

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 29 ЯНВАРЬ КУНИ ВАЛЮТА СИЁСАТИ ВА ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИ СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИФИЛИШ ЎТКАЗДИ.



НУҚУ

1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq.uz

2019-й. 31-ЯНВАР, №5 (1150)

«ЎЗБЕКФИЛЬМ»
НОҚОНУНИЙ
ШАРТНОМАЛАР
ТУЗАЁТГАНИ
АНИҚЛАНДИ.

3

ҲОЖАТБАРОР
ДАЙДИ
ҚОТИЛЛИККА
ҚЎЛ УРДИ.

7

ОРИЯТИНИ
УНУТГАН
АЁЛ
БОЛАЛАРИНИ
ЙЎҚ ҚИЛДИ.

9

ЯНА ИТ ВА
ЭШАК ГЎШТИ
ЕДИРМОҚЧИ
БЎЛИШДИ.

10



Мамлакатимиз раҳбари томонидан халқимизни ҳаётдан рози қилиш йўлида амалга оширилаётган эзгу, хайрли ташаббуслар, кенг қамровли ислоҳотлар бугун энг чекка ва олис қишлоқлардаги инсонлар ҳаёт тарзида ҳам намоён бўлмоқда.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

Сўнгги йилларда вилоят ва туман марказларида ободонлаштириш ва марказий кўчаларнинг меъморий қиёфасини янгилаш бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Бироқ, сир эмаски, мамлакатимизнинг салмоқли қисмини ташкил этадиган қишлоқ ва маҳаллаларда аҳолини қийнаб келаётган муаммолар, ўз ечимини кутиб турган масалалар йиллар давомида тўпланиб қолган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 29 мартдаги "Обод қишлоқ" дастури тўғрисида"ги ва 2018 йил 27 июндаги "Обод маҳалла" дастури тўғрисида"ги Фармонлари олдимизда кўндаланг турган ана шундай масалаларга ечим бўлди, яъни қишлоқ ҳамда маҳалла аҳли ҳаётида янги тараққиёт даврини бошлаб берди.

Мазкур тарихий ҳужжатларда белгиланганидек, мамлакатимиз бўйлаб, энг аввало, чекка, олис ва табиий иқлим шароити оғир бўлган ҳудудларда, маҳаллаларда аҳолининг яшаш шароитини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи ва даражасини се-

Асроржон ТУРҒУНОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

зиларли даражада ижобий томонга ўзгартириш, қишлоқларимиз қиёфасини замонавий мезонлар асосида қайта куриш, аиниқса, ёшлар учун муқим иш ўринларини яратишга қаратилган ишлар амалга оширилди.

Ана шундай кенг кўламли ишларни таҳлил қилиш, келгусидаги ишларни режалаштириш бу борадаги ишларни тизимли юриштида муқим ўрин тутади.

2019 йил 25 январь куни "International Hotel Tashkent" меҳмонхонасида "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари: дастлабки ютуқлар ва истиқболдаги мақсадлар" мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференция ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилди.

Давоми 2-бетда

JARAYON

ОРОЛДА ЧУЧУК СУВ ТОПИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидан 200 километр, Нуқусдан 400 километр олисда Возрождение оролининг Шағала деб номланувчи жойи бор. Ўша ҳудуддан — Орол денгизининг қуриган майдонидан чучук сув топилди.

26 январь куни сув кўзининг топилиши муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Муродов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари О.Раматов иштирок этди. Шунингдек, тадбирда қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мўйноқликлар ҳамда Оролнинг қуриган майдонида меҳнат қилаётган ҳашарчилар қатнашди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси раиси М.Ернйязов йиғилганларни ушбу муқим янгиллик билан қўтлади.

Оролнинг қуриган майдонида жорий йилда 500 минг гектар ерга саксовул экиш белгиланди ва ҳозирда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган мингдан ортиқ ишчилар, туман аҳолиси ушбу тадбир билан банд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мўйноқ туманига алоҳида эътибор қаратмоқда. 2017 йилда туманга 101 километрлик ичимлик суви тортилди. Давлат раҳбари 2018 йил 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистонга ташири давомида, Мўйноқ туманига ҳам сафар уюштириб, ҳудуд аҳолиси билан учрашиб, туманин ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун қатор вазифаларни белгилаб берди. Мўйноқ туманини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Давоми 2-бетда

DOLZARB MAVZU

КИМЛАРНИНГ ПЕНСИЯСИ ОШМАДИ?

Республикаимизда 520 минг нафардан ортиқ пенсионернинг пенсия миқдори қайта ҳисобланиб, оширилди, 2 миллион 600 минг нафардан зиёдининг эса пенсиясини оширишга асос топилмади.

2



ОРОЛДА ЧУЧУК СУВ ТОПИЛДИ

Давоми.
Бошланиши 1-бетда

Топилган ушбу чучук сув Жанубий Орололди артезиан бассейнининг бор даври ётқизикларидан, яъни 260-280 метр чуқурликдан топилди. Сув шарфи секундига 7 литрни ташкил қилаётган бу сувнинг минераллашуви 3 грамм, қаттиқлиги 6 миллиграмм эквивалентга тенг.

Оролбўйи дала гидрогеологик экспедициясининг маълумотига кўра, Жанубий Орололди артезиан бассейни ер ости сувлари Чимбой, Тахтакўпир, Қораўзак туманлари ҳудудларини қамраб олади. Фойдаланишга яроқли бундай сув кўзлари ушбу туманларда ҳам топилган. Жанубий Орололди артезиан бассейни ер ости сувларини махсус ускуналар ёрдамида чуқуланттириб, ичимлик суви сифатида фойдаланса ҳам бўлади. Ҳозирги кунда аҳоли Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир туманларида шундай ускуналар ёрдамида сувни истеъмол қилиб келмоқда.

Тўрт-беш ярусдан ташкил

топган бор даври ётқизикларининг пастки қатламларидаги Жанубий Орололди артезиан бассейни ер ости сувлари термал ва минераллашган бўлиб, шифобахш хусусият касб этади. Бу каби 47-50 градус иссиқликдаги сувлар Қозоқдарё, Қораўзак, Чимбой ҳудудларида мавжуд.

Чучук сув кўзларининг очирилиши биохилмаҳилликни ривожлантиради. Бунинг натижасида пайдо бўлган намлик эса тузнинг ҳавога кўтарилишига тўсик бўлади.

Оролбўйи дала гидрогеологик экспедицияси томонидан жорий йилда Мўйноқ туманида, яъни Возрождение ороли, Сургил, Ахантай ҳудудларида шу каби 40 та сув кўзларини очиб режалаштирилган. Буни си биринчиси. Сув кўзларининг очирилиши Қорақалпоғистоннинг шиммолий туманларида ҳам қорвачиликни ривожлантиришга замин яратди.

Шунингдек, 2021-2023 йилларда Жанубий Оролнинг куриб қолган қисмини геологик жиҳатдан ўрганиш ишлари олиб борилиши ҳам алоҳида дастур сифатида қабул қилинган.

Ўз мухбиримиз

TADVIR

Халқаро конференция бўлиб ўтди

Давоми.
Бошланиши 1-бетда

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, "Тараққиёт стратегияси" маркази, "Юксалиш" Умумийлик ҳаракати, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, БМТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Швейцария Конфедерацияси, АКШ Давлат департаменти вакиллари, вазирлик ва қўмиталар, маҳаллий давлат ҳокимияти, республика ҳўжалик ва бошқарув идоралари масъул ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конференция "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларининг ижроси ва ривожланиши истиқболлари ҳақида кенг жамоатчилик ҳамда халқаро ҳамжамиятни ўз вақтида ва тўлиқ хабардор қилиш, келгуси вазифаларни муҳокама қилиш, шунингдек, қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитини яхшилашга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро тажриба ва халқаро молия институтларининг

маблағларини жалб қилиш мақсадида ташкил этилди.

Қайд этилганидек, 2018 йилда "Обод қишлоқ" дастури ижроси доирасида 159 та туманларнинг 417 та қишлоқларида 3,2 триллион сўмлик, "Обод маҳалла" дастури доирасида эса 41 та туман ва шаҳарларининг 105 та маҳаллаларида 690 миллилард сўмлик ишлар бажарилди.

Конференцияда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари ижросининг 2018 йилдаги сарҳисоби, Дастурлар ижроси доирасида давлат органлари, хусусий сектор ва фуқароларнинг ҳамкорлиги асосида аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш бўйича келгусидаги вазифалар, қишлоқ жойларидаги инвестициявий лойиҳалар ижроси ва илгор хорижий тажрибаларни жорий этиш мониторингига фуқароларни жалб этишининг классик ва инновацион механизмлари, шунингдек, мазкур дастурларни молиялаштиришнинг ташкилий механизмлари ва мақсадли жамғармаларни шакллантириш каби мавзулар муҳокама қилинди.

Тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиши ҳамда ривожланиш истиқболлари ҳақида фикр алмашишди.

КИМЛАРНИНГ ПЕНСИЯСИ ОШМАДИ?

Меҳр қўйган касбни танлагач, ўқиб-ўрганиб, иштиёқ билан фаолият юритиб, умргузаронлик қилишга, оила тебратишга нима етсин! Ёшинг 60 га етгандан кейин эса пенсия пулини олиб, набиралар қуршовида қариллик гаштини суриш ҳам ўта мароқли бўлса керак?! Буни ушбу жараёни бошидан кечираётганлар яхши билишади. Қолаверса, давлатимиз томонидан фахрийларимизга бир қатор имтиёзлар ҳам яратиб қўйилганки, дунёдаги кўплаб давлат фуқаролари бизга ҳавас қилишса арзийди.

Фафуржон АЛИМОВ,
«Нуқад»

киз баробари (1 миллион 621 минг 840 сўм)дан ўн баробари (2 миллион 27 минг 300 сўм)гача бўлган миқдорни ташкил қилган.

Энди ушбу фармоннинг моҳиятини тушунтириб ўтсак.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси давлат пенсия таъминотини ташкил этишда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни ва пенсия таъминоти оид бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ иш олиб боради.

Пенсия миқдори эса ҳар бир фуқаронинг ўзига тегишли бўлган иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб, пенсиянинг таянч миқдоридан иш стажининг ошмиши билан пенсияга қўшилидиган устама ҳақлардан таркиб топади.

Шунингдек, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йилдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) иш ҳақи олинади. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан (202 минг 730 * 8 = 1 миллион 621 минг 840) ортик бўлмаган миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади.

Ёшга доир пенсиянинг таянч миқдори — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинандиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин расмий белгиланган ёшга доир энг кам пенсиянинг камидан 100 фоизи миқдоридан бўлиши керак. Бунда пенсиянинг таянч миқдори куйидагича аниқланади: ўртача ойлик иш ҳақи 1 миллион сўм * 55 фоиз = 550 минг сўм.

Демак, юқоридаги фармонга кўра, пенсия миқдорининг юқори бўлиши иш стажининг кўпчилигига эмас, ўртача иш ҳақининг юқорилигига боғлиқ. Агар Сизнинг ўртача ойлик иш ҳақингиз 1 миллион 621 минг 840 сўмдан кам бўлса, юқоридаги фармон бўйича пенсиянгизни қайта ҳисоблаб ошириб беришининг имкони мавжуд эмас.

Шу ўринда яқин ўтмишга мурожаат қилсак ўринли бўлади. Масалан, 1996 йил 1 январдан ишловчи пенсионерларга 50 фоиз пенсия тўлаш тартиби жорий қилинган. Яъни ҳодим пенсияга чиқса-ю, ишдан бўшамасдан фаолиятини давом эттираверса, ойлигини тўлиқ, пенсиясининг эса 50 фоизини оларди. 2018 йил 12 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан эса бу тартиб бекор қилинди. Мазкур фармонга биноан, 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерлар пенсияларини тўлиқ миқдорда оладиган бўлишди. Шунингдек, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан ўн баробаригача кўтарилди.

Таъкидлаш лозимки, мазкур фармонни қўллаб фахрийларимиз хурсандчилик билан қутиб олган бўлса, айримлари тушунмаганликларини, аниқроқ айтишда бўлса, бошқаларнинг пенсияси ошгани ҳолда уларникига таъсир қилмаганини иттифоқ қилиб, ҳайронликларини баён қилишмоқда. Тахририятимизга бўлаётган қўнғирқолларда ҳам шу савол қайта-қайта такрорланмоқда, фуқаролар сўрашдан қарачамаяпти. Ваҳоланки, ижтимоий тармоқлар ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали бу ҳақда батафсил маълумотлар берилди.

Шуларни эътиборга олиб, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига яна бир бор му-

урожаат қилишни лозим топдик ва жамғарманинг мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлими бош мутахассиси Дилшода Даулетбаевадан куйидагича жавоб олдик:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5597-сонли Фармонида асосан, пенсионерларни ижтимоий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда уларнинг салоҳияти, тажрибаси ва билимидан фойдаланиш, пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш мақсадида, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб, барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар иш жойи орқали ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ миқдорда тўланади ҳамда пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан ўн баробаригача оширилди.

Яъни фуқароларнинг пенсиялари 1 миллион 621 минг 840 (8 қарра 202 минг 730 сўм)дан 2 миллион 27 минг 300 (10 қарра 202 минг 730 сўм)гача бўлган ўртача ойлик иш ҳақларидан қайта ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда республикада 3 миллион 163 минг нафар пенсия олувчи фуқаролар бор. Юқоридаги фармонга кўра, фақат 520 минг нафардан ортик пенсия олувчиларнинг пенсия миқдори қайта ҳисобланиб, ошириб берилди. Чунки ушбу 520 минг нафар пенсионерларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари ҳозирги кунда республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг сак-

КИМНИНГ ПЕНСИЯСИ ОШГАН ЁКИ ОШМАГАНЛИГИ ҚУЙИДАГИЧА ИЗОҲЛанади.

Фуқаро А. (пенсия ошган ҳолат)	ИШ СТАЖИ	Фуқаро Б. (пенсия ошмаган ҳолат)
20 йил		20 йил
2 млн. 765 минг сўм	ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ	1 млн. 395 минг сўм
2 млн. 27 минг 300 сўм (ЭКИЎНИНГ 10 баробари)	ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИ МИҚДОРИ (ЭКИЎ)	1 млн. 621 минг 840 сўм (ЭКИЎНИНГ 8 баробаридан кам)
1 млн. 115 минг 15 сўм	55 ФОИЗИ	767 минг 250 сўм
1 млн. 115 минг 15 сўм	ПЕНСИЯНИНГ ТАЯНЧ МИҚДОРИ	767 минг 250 сўм

Давлатимиз раҳбари
Парламентга Мурожаат-
номасида 2019 йилга
"Фаол инвестициялар
ва ижтимоий ривожла-
ниш йили" деб ном
беришни тақлиф этиб,
"Халқ билан узлуксиз
мулоқот ва инсон
манфаатлари учун
хизмат қилиш, барча
даражадаги раҳбарлар
учун нафақат мажбури-
ят, балки ҳаётини тамо-
йилга айланиши шарт",
деб таъкидлади.



JARAYON

РАҲБАРЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ТАМОЙИЛИ

Шерзод ОБЛОКУЛОВ,
Тошкент шаҳар прокурори

Мазкур талабдан келиб чиқиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотлар ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини рўйбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш каби масалалар пойтахт прокуратураси органлари фаолиятининг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб қолмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлса, Тошкент шаҳар прокуратураси органларига 2019 йилнинг 1 январига қадар 78 372 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 16,3 фоизи интернетдаги pt.gov.uz манзил, 15,5 фоизи Бош прокуратуранинг ишонч телефони, 12,3 фоизи эса шаҳар прокуратурасининг қабулхонаси орқали келиб тушган.

Фуқароларнинг бўлаётган ўзгаришларга ана шундай дахлдорлик ҳисси прокуратура ходимларини ҳам шижоат билан ишлашга даъват этмоқда. Энг муҳими, мурожаатлар билан ишлашда ҳар бир ҳаётимизни кийнаётган муаммоларни адолатли ҳал этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Келиб тушган мурожаатларнинг 42 минг 570 таси ҳал этилиб, 4 минг 731 таси қаноатлантирилган, 3 минг 219 та ҳалат бўйича фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланган.

Соҳавий фаолиятни такомиллаштириш, ходимларнинг мурожаатларни кўриб чиқиш борасидаги масъулияти ва жа-

вобгарлигини ошириш мақсадида мурожаатларни келтириб чиқараётган омиллар доимий равишда таҳлил қилиниб, ишларни яхшилашга қаратилган зарур чора-тадбирлар кўриб боришмоқда. Шунингдек, ҳар бир мурожаатга ҳолис ёндашган ҳолда, унинг муаллифи билан суҳбатлашиш орқали кўтарилган саволлар юзасидан тўғри тушунчалар бериш, бу орқали аҳолининг давлат идоралари билан мулоқот қилиш маданиятини ўсишига ҳам эришилмоқда.

Фуқароларни сарсон қилган 81 нафар мансабдор шахс жавобгарликка тортилди.

Ўтган йилда меҳнатга доир қонунлар ижроси, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар, ички ишлар органларидаги жиноят ишлари ва суд ишлари юритиш масалаларида кўпроқ мурожаат қилинган. Шунинг учун ҳам мурожаатлар муаллифлари билан жонли мулоқот ўрнатиш, уларни бевосита тинглаб, муаммоларининг ечими учун тўғри йўл кўрсатиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Мана шу мақсадларда прокуратура органларидан 25 минг 819 нафар шахс қабул қилиниб, бу кўрсаткич олдинги йилга нисбатан 1 минг 987 нафарга кўпайган.

Таъкидлаш лозимки, мурожаатлар бўйича ўтказилган очиқ

мулоқотлар ижтимоий аҳамиятга эга бўлган айрим масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилишига имкон берди. Масалан, фуқаро О.Недобекованинг "Ўзбекфильм" ДУҚда ноконуний шартномалар тузилаётгани тўғрисидаги мурожаати бўйича текширув ўтказилиб, сохта шартномалар аниқланди ва ЖКнинг 228-моддаси 1 ва 3-қисмлари билан жиноят иши кўзғатилди.

Фуқаро Ф.Нажмиддиновнинг Республика иктисослаштирилган акушерлик ва гинекология

илмий-амалий тиббиёт марказидаги суистеъмолликлар бўйича қилган мурожаати юзасидан ўтказилган текширувда эса стерилизация тўлиқ ўтказилмагани сабабли беморга гепатит С инфекцияси юқтирилгани аниқланиб, ЖКнинг 116-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзғатилди.

Бундан ташқари, фуқаро Э.Ҳамидуллинанинг 3-сонли Бозорлик клиник шифохонасидаги суистеъмолликлар тўғрисидаги мурожаати бўйича шифокорлар ўз вазифаларини бажармаганилиги одам ўлимига сабаб бўлганини аниқланиб, ЖКнинг 116-моддаси 3-қисми билан жиноят иши кўзғатилди.

Шунингдек, мурожаатларни асосиз равишда бошқа давлат органлари ёки қўйи муассасаларга юбориш амалиётининг олдини олиш, мурожаатлар билан ишлаш интизомини бузган ходимларга чоралар кўриш борасида ҳам қатъиятлик кўрсатилмоқда. Жумладан, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси юзасидан ўтказилган 34 та текшириш натижалари бўйича 95 та прокурор назорати ҳужжатлари кўриланиб, 81 нафар мансабдор шахс маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилди. 30 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида бирламчи муҳим бўлган ҳисобланган туман прокуратуралари томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолият самарадорлигининг ошишига эришилди. Жумладан, ҳудудларда озога келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш чоралари кўрилгани боис, Сергели ва Уч-тепа туман прокуратураларида ҳал қилинган мурожаатлар салмоғи олдинги йилга нисбатан бирмунча кўпайиб, тегишлича

69,3 ва 71,9 фоизни ташкил қилган.

Шунингдек, Мирзо Улуғбек ва Яшнобод туман прокуратуралари томонидан мурожаатларни кўриб чиқишда фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича тегишли чоралар кўрилиб, ҳуқуқлари тикланган шахсларнинг сони, тегишлилигича 121 нафардан 263 нафарга ва 154 нафардан 189 нафаргача кўпайган.

Бектемир ва Сергели туман прокуратураларида мурожаатлар билан ишлашда аниқланган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш кўпроқ таъминлангани сабабли ҳал қилиш учун бошқа муассасаларга юборилган мурожаатлар салмоғи бирмунча камайиб, тегишлича 23,6 ва 17,1 фоизни ташкил қилган.

Таъкидлаш лозимки, Олмазор туман прокуратурасида мурожаатлар билан ишлаш тизимини яхшилаш ва тизимли муаммоларни аниқлаш мақсадида ҳокимият идоралари билан ҳамкорликда маҳалларда уйма-уй юриб, юзма-юз мулоқот жараёнида аҳолининг талаб ва истаклари, уларни таъшивлантираётган масалалар малакали ўрганилгани учун такрорий мурожаатлар 58 фоизга камайган.

Барча туман прокуратураларида мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш операторлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, мазкур мурожаатлар рўйхатини шакллантириш ва ижрога юбориш масаласи алоҳида назоратга олинган. Шунингдек, туман прокуратураларида ҳар чорак якунлари билан ўтказилган тизимли таҳлиллар асосида ўтказилган умумлаштиришлар бўйича фаолиятни яхшилашга қаратилган аниқ тақлифлар ишлаб чиқилган.

Таъкидлаш лозимки, соҳавий фаолиятдаги бундай ёндашув пойтахт прокуратураси органлари томонидан халқнинг прокуратура органларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишларга тўлиқ мос келади. Бу борада аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш орқали мурожаатларнинг тўлиқ ҳолисона ва ўз вақтида қўрилиши билан бирга, уларни кўриб чиқиш жараёнида аниқланган турли хил қонунбузарликларни бартараф этишга қаратилган тизимли амалиёт фаолиятимизнинг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб қолади.

HAMKORLIK

Лойиҳалар муҳокама қилинди

Бугун дунёнинг турли мамлакатларида кечаётган мураккаб жараёнлар, экстремизм ва терроризм хавфининг кучайиб бораётгани доимо хушёр ва огоҳ бўлишни, юртимиздаги тинчлик ва оқойишталикни кўз қорачиғидек асрашни тақозо этмоқда.

Хушнур МАКСУДОВ,

Бош прокуратура бўлим катта прокурори

ли, МДХга аъзо давлатлар маркази, МДХга аъзо давлатларнинг Парламентларо ассамблеяси Кенгаши котиби, МДХ Ижроия қўмитаси ходимлари иштирок этишди.

Лойиҳани муҳокама қилиш чоғида йиғилиш қатнашчилари МДХ давлатлари ва МДХ ҳудудий ҳамкорлик органлари томонидан берилган тақлиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, дастур ва қарор лойиҳаларини муҳокама қилиб, якуний келишувга келишди.

Тадбирда шунингдек, экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашишнинг долзарб йўналишлари, аҳоли орасида диний ақидапарастлик гоғлари тарқалишининг олдини олишда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли, жамиятимизда ижтимоий барқарорликни, миллатлар ва динларро ҳамжихатликни янада мустаҳкамлаш, огоҳлик ва хушёрликни ошириш, ёшларни турли таҳдидлардан асраш каби масалалар юзасидан тақлифлар билдирилди.

Юртимизда истиқомат қилаётган фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада алоҳида аҳамият касб этди.

Эски ва янги гвардия учрашуви

Унга асосан, 2019 йил 1 январдан барча ишловчи пенсионерларга пенсиялар тўлиқ миқдорда тўланадиган бўлди. Эндиликда пенсионерлар ҳеч иккиланмасдан меҳнат фаолиятини давом эттириб, Ватанимиз равнақига ўзларининг ҳиссаларини қўшиб боришлари мумкин. Ўзбек халқи қадимдан ёши улуг инсонларни қадрлаш, уларга ҳурмат ва иззат кўрсатиш билан ажралиб турган. Бу анъана халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган миллатимизга хос фазилатдир.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасида ҳарбий прокуратура органларида кўп йиллар хизмат қилиб, пенсияга чиққан фахрийлар ва амалдаги офицерлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир давомида фахрийлар ҳарбий прокуратура тарихи музейига таш-

Даврон Тўраев,


Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

риф буюриб, тизим фаолияти ёритилган стендлар, фотоальбомлар ва фотолархиви ўзгача мароқ билан томоша қилдилар.

Фахрийлар мазкур тадбир учун Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоасига миннатдорлик билдиришди. Тизимда фаолият олиб бораётган прокуратура ходимларига соҳага оид ўз ҳаётини таърихларини гапириб беришди.

Учрашув сўнггида фахрийлар ўзбекистон "Бир меъла чоғи" аънасида ривож этилган ҳолда, дастурхонга тақлиф этилди. Фахрийларимиз ушбу тантанани "Эски ва янги гвардиянинг учрашуви" деб номлашди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 30 январь кўни Самарқандда ўтказилган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовни хотирлаш тадбирларида иштирок этди.



ДАСТУР ИЖРОСИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва раҳбарлигида барча соҳаларда туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодий ривожлантириш, иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг аниқ-равшан вазифалари белгиланган фармон ва қарорлар, давлат дастурлари қабул қилинмоқда. Фуқаролар танлаган, ишлаётган соҳаларида қобилиятларини, ишбилармонлик, тадбиркорлик салоҳиятларини юзга чиқаришлари учун зарур имконият ва шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ишлаб чиқариш, савдо-хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларнинг сифати яхшилانгани сайин аҳоли турмуши фаровон бўлиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизни замонавий, кўркам қилиб қайта қуриш дастурлари рўйбга чиқарилмоқда. Вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Обод қишлоқ" дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Обод маҳалла" дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш масалалари тўғрисида"ги Қарорлари ижросини таъминлаш алоҳида назоратга олинди.

Вилоят ҳокимининг тегишли қарорига асосан 2018 йилда 15 та тумanning 30 та қишлоқларини ободонлаштириш, маҳаллий бюджетдан ажратилган, марказлашган маблағлар, халқаро молиявий институтлар ва хорижий давлатларнинг кредит ва грантлари, тармоқ корхоналари, тадбиркорлар ҳамда ҳомийлик ва банк кредити маблағлари ҳисобидан жами 171 миллиард 539 миллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 12-13 июнь кунлари вилоятимизга ташрифи давомида берган топшириқларига мувофиқ, Дастур доирасида 2018 йил якунига қадар ҳар бир туманда қўшимча 2 тадан, яна 30 та қишлоқни обод масканларга айлантириш чора-тадбирлари белгиланди.

Дастур ижросига қиришилганидан буён ўтган даврда 10 минг 800 дан зиёд уй-жойларни қуриш ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Шунингдек,

373 та кам таъминланган хонадонларнинг уйлари ҳомийлик йўли билан таъмирлаб берилди.

Қишлоқларга ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ таъминотини яхшилаш, иншоот ва тармоқларни реконструкция қилиш, оқова сув қувурларини ўтказиш ишлари олиб борилди. Ҳозиргача 88,5 километр ичимлик суви тармоғи тортилди. Мавжуд электр трансформаторларни мукам-

толлари, 392 та уйнинг фасад қисми таъмирланди.

Маҳаллаларда 23,7 километр ичимлик суви тармоқлари, 67 километр электр тармоқлари янгидан тортилди ва реконструкция қилинди. 48 та пунктда трансформаторлар таъмирланди ҳамда янгиликларига алмаштирилди. Ички йўлларнинг 38,5 километри текисланди. 10,5 километр табиий газ тармоқларини таъмирлаш ишлари ниҳоясига

Масуд МҮМИНЖОНОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

ри янгилаштириш, реконструкция қилинган. Жумладан, 29 километр ичимлик суви тармоқлари ва 304 та сув тозалаш иншоотлари таъмирланди, 9 та сув миноралари реконструкция қилинди. 138 километр электр узатиш тармоқлари, 57 та трансформатор пунктларини модернизация қилиш ва мукамал таъмирлаш ишлари тугалланди.

Дастур режасига киритилган 29 та ижтимоий соҳа объектлари — мактаб, мактабгача таълим ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Данғара тумани Боғиш қишлоғи ва Фуркат тумани Мустақиллик қишлоғида янги маҳалла фуқаролар йиғини бинолари қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди.

Бешариқ туманида "Обод қишлоқ" дастури лойиҳасига "Раққон" ва "Тошарик" МФЙлари киритилган. Раққон қишлоғида салкам 6,4 километр ички йўллар асфальтланди, 4,3 километр ичимлик суви тармоғи тортилди.

Тошарик МФЙда 4 та газ тарқатиш қурилмаси таъмирланди. 3,8 километр ичимлик суви тармоғи тортилди. 3,8 километр ички йўллар асфальтланди, 157 та уйлари таъмирлаш ишлари якунланди.

"Боғиш" МФЙда тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун 3,5 километр масофада сув қувурлари ётқизилди. Қишлоқ ахлини электр энергияси билан сифатли таъминлаш мақсадида 28 та таянч симёғоч ўрнатилиб, 2,8 километр сим тортилди.

Шунингдек, дастурга киритилган туман прокурори секторидидаги "Мустақиллик" МФЙнинг Шифокор кўчасини ободонлаштириш учун ҳомийлар жалб этилиб, 37 миллион сўмлик ишлар амалга оширилди. 2 та кўп қаватли уйлarning фасад қисмлари таъмирланди, 1 та болалар майдончаси барпо қилинди, 16 та хонадоннинг барчаси газлаштирилиб, 25 та эҳтиёжманд оиланинг хонадонлари таъмирлаб берилди.

"Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурларининг амалга оширилиши жараёнида қишлоқ ва шаҳарлар аҳолисининг ижтимоий, иқтисодий ва коммунал соҳадаги муаммолари ҳал этиляпти. Электр энергияси, табиий газ ҳамда сувоитрилган газ, ичимлик суви таъминоти яхшиланяпти. Таъмирланган, янгидан қурилган уй-жойлар, савдо-хизмат кўрсатиш мажмуалари, асфальтланган, ёриткичлар ўрнатилган, мевали ва манзарали дарак, гул кўчатлари буй кўрсатаётган кўчалар обод ва кўркам, аҳоли турмуши файзли, тароватли бўлиб бормоқда.

«Обод қишлоқ» дастури доирасида

2018 йилда 15 та тумanning 60 та қишлоғида
қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Қурилиш ва таъмирлаш йўналишида

10 800 та уй-жой
қурилди ва таъмирланди.

373 та
хонадонни таъмирлашга
ҳомийлар жалб қилинди.

мал таъмирлаш ва реконструкция қилишга киришилди. 30 та янги трансформатор ўрнатилди, 198 таси мукамал таъмирланди. 473 километр электр тармоқлари реконструкция қилинди. Янгидан 86,7 километр электр тармоқлари тортилди. Аҳолига сувоитрилган газ баллонлари ва кўмир етказиб бериш, ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида кўмир омборлари очиб режалаштирилган эди. Айни чоғда кўзда тутилганидан 110 та кўп, жами 4550 дона газ баллонлари етказиб берилди. 18,2 километр табиий газ тармоқлари ҳамда 12 та газ тақсимлаш шохобчаларида таъмирлаш ишлари тугалланмоқда.

Ички ва ҳўжалиқларга йўллар таъмирланмоқда. Шағал ётқизиш, асфальтлаш, эски асфальт йўллари таъмирлаш ишлари жадал олиб бориляпти. 153 километр масофада 26 миллиард 200 миллион сўмлик йўл қурилиши ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Таъмирлашга киришилган 110 та ижтимоий инфратузилма объектларининг 104 тасида 29,4 миллиард сўмлик иш бажарилди.

Бозор инфратузилмаси объектларини қуриш ва таъмирлаш ишлари тугалланмоқда. Аҳолига транспорт хизматини яхшилаш, автобусда йўловчилар ташини тизимини такомиллаштириш мақсадида 14 та янги автобус келтирилди ва 14 та бекат ташкил қилинди.

"Обод маҳалла" дастури доирасида 4 та шаҳарнинг 8 та маҳалласида 57,6 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. 292 та уйнинг

етказилди. Аҳолига 539 та сувоитрилган газ баллонлари тарқатилди.

"Обод қишлоқ" дастурига киритилган Бешариқ, Ўзбекистон, Фуркат, Данғара туманларидаги қишлоқларда уй-жойларни таъмирлаш ишлари якунланмоқда. Хусусан, 78 та эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойлари ҳашар ва ҳомийлик йўли билан таъмирлаб берилди.

Шунингдек, коммуникация тармоқла-

Муҳандислик-коммуникация тармоқларини янгилаш йўналишида

88,5 км. ичимлик суви тармоғи тортилди.

30 та янги трансформатор ўрнатилди.

198 таси таъмирланди.

473 км. электр тармоқлари реконструкция қилинди.

86,7 км. электр тармоғи тортилди.

153 км. масофада **26 млрд. 200 млн.** сўмлик йўл қурилиши ва таъмирланиши амалга оширилди.

Туман прокуратуралари янги бинода

Бугун ҳаётимизнинг барча жабхаларида амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ислохотлар бир мақсадга, у ҳам бўлса, халқимиз ҳаётини янада энгиллаштириш, ҳар бир фуқарода ҳаётдан рози бўлиб яшаш хиссини уйғотишга қаратилгандир.

Албатта, ислохотлар самараси уларнинг қонунийлик асослари нечоғли пухта ишлаб чиқилганлигига боғлиқ бўлиб, ўз навбатида, қонун нормаларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни таъминлаш прокуратура органла-

ри олдидаги муҳим вазифа саналади.

Прокуратура органлари ходимлари қуни муносабати билан Гиждувон, Жандор, Вобкент, Пешкў ҳамда Олот туманларида янги, барча қўлайликларга эга прокуратура биноларининг фойдаланишга топширилиши ҳам оқоридидаги фикрларимизга мос равишда соҳа мутасаддилари олдидаги масъулиятини янада оширди. Янги бинолар очилишига бағишлаб ўтказилган тадбирларда давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, ҳуқуқ соҳаси фахрийлари, туман фаоллари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Соҳада фаолият юритган меҳнат фахрийлари янги ва муҳташам биноларни кўздан

кечиришар экан, замонавий ва миллий архитектура талаблари асосида қад ростлаган иншоотлар албатта, келгусида фуқароларимизнинг ҳуқуқ-тартибот органларига бўлган ишончини оширишда кўприк вазифасини ўташини алоҳида таъкидладилар. Хусусан, Гиждувон туманида қад ростлаган 3 қаватли прокуратура биносида Мажбурий ижро бюроси туман бўлимининг 106 нафар, туман прокуратурасининг 15 нафар ҳамда Департаментнинг 5 нафар ходими фаолият олиб боради. Бу каби қўлайлик ва шарт-шароитлар янгидан қуриб фойдаланишга топширилган Вобкент, Жандор туманидаги биноларда ҳам тўла-тўқис ўз аксини топган.

Албатта, мамлакат ҳаётининг юксалишида прокуратура органлари тутган ўрин

жуда муҳим. Бугунги кунга келиб, вилоятда прокуратура органларининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасидаги фаолияти изчил такомиллаштирилмоқда. Бу борадаги мулоҳазалар чекка Олот ва Пешкў туманларида бўлиб ўтган тантанали маросимларда ҳам қайд этилди.

Шу ўринда рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак: ўтган даврда вилоятда қонунлар ижроси устидан прокурор назорати билан боғлиқ текширишлар ва таҳлиллар натижасига кўра, уч мингдан зиёд назорат ҳужжатлари қўланилди. Мансабдор шахслар томо-

Ҳабиб ҲАМИДОВ,
Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

нидан қабул қилинган 842 та ҳуқуқий ҳужжат қонун талабига мос келмаганлиги боис прокурор протестлари асосида бекор қилинди ёки ўзгартирилди. Қонунга хилоф хатти-ҳаракат содир этган 1 минг 673 нафар мансабдорнинг интизомий ва маъмурий жавобгарлиги ҳал этилди. Жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 23 та жиноят иши қўзғатилди. Текширишлар ва жиноят ишлари бўйича тергов давомида аниқланган 23,4 миллиард сўмлик зарарнинг ундирилиши таъминланди. 1 минг 415 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Юртимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ижтимоий муҳитни соғломлаштириш борасида ўзига хос тажриба тўпланган, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича институционал ва ҳуқуқий асослар яратилган.



Ҳуқуқий маданият тарбия билан сингдирилади

Ушбу масала ҳуқуқни муҳофазат қилувчи органларнинг энг муҳим вазифаларидан бири эди белгилашганга бўис Ички ишлар вазирлигинида Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси тузилган. Шунингдек, милиция таянч пунктларида профилактика инспекторлари тизими шакллантирилган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолияти йўлга қўйилган. Бундан ташқари, маҳаллаларда ҳам умумий ва ўрта махсус таълим муассасалари билан биргаликда ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшларни фойдали машғулотларга жалб қилиш чоралари кўрилмакда. "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси тузилган. Шунингдек, милиция таянч пунктларида профилактика инспекторлари тизими шакллантирилган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолияти йўлга қўйилган. Бундан ташқари, маҳаллаларда ҳам умумий ва ўрта махсус таълим муассасалари билан биргаликда ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшларни фойдали машғулотларга жалб қилиш чоралари кўрилмакда. "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси тузилган. Шунингдек, милиция таянч пунктларида профилактика инспекторлари тизими шакллантирилган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолияти йўлга қўйилган. Бундан ташқари, маҳаллаларда ҳам умумий ва ўрта махсус таълим муассасалари билан биргаликда ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ёшларни фойдали машғулотларга жалб қилиш чоралари кўрилмакда."

Мазкур қонун ҳужжатларида профилактика тизимида ҳуқуқни муҳофазат қилувчи органлар билан бир қаторда, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ҳам киритилган. Чунки ўсмирларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишига таълим-тарбиянинг яхши йўлга қўйилмагани, таълим олувчиларнинг бўш вақти кўнгилдагидек ташкил қилилмагани, шунингдек, ёшларнинг иш билан таъминланмагани каби омиллар сабаб бўлади. Йўлга қўйилётган ҳамкорлик тизими бундай камчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

"Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонунда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари раҳбарлари ички ишлар органларига ҳуқуқбузарлик фактлари ҳақида, одамларнинг ҳаётига ёки соғлигига таҳдид солади деган низолар тўғрисида ва таълим олувчи шахсининг ғайри-ижтимоий ҳулқ-атвори, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақида хабар қилиши шартлиги мустаҳкамланган.

Таълим муассасаларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги иштироки билан боғлиқ қоидалар "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунда ҳам мустаҳкамланган. Хусусан, унинг 13-моддасида таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари зиммасига вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан боғлиқ муҳим вазифалар юклаган. Қонуннинг ушбу моддасига кўра, таълимни бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини шакллантиради, дарсларга ўз вақтида қатнашишни таъминлайди, уларга психологик ёрдам кўрсатади, яқка тартибдаги профилактика ишларини олиб боришда иштирок этади, вояга етмаганларнинг бандлигини таъминлаш-

Фармон билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясининг асосий йўналишларидан бири сифатида таълим муассасаларида ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Концепция доирасида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ва "Инсон ҳуқуқларини ўрганиш" махсус ўқув курсларини барча таълим турлари бўйича ўргатиш жорий этилиши белгиланди.

Таъкидлаш лозимки, таълим хусусияти ва вояга етмаганларнинг ёшидаги тафовут туфайли умумий ўрта таълим ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларидаги ҳуқуқий таълим фарқланади. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартига кўра "Давлат ва ҳуқуқ асослари"

/// **Ҳуқуққа ихтисослашган синфлар тузиш амалиётини ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқдир.**

да қатнашади. Таълим муассасалари ҳам вояга етмаганларга ижтимоий-психологик, педагогик ёрдам кўрсатади, дарсларга доимий қатнашишни таъминлайди, уларни спортга жалб этади, болаларининг тарбияси қийин бўлган оилаларга ёрдам кўрсатади.

Таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари кўпроқ вояга етмаганларнинг онгига таъсир кўрсатиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш орқали кўзланган мақсадга эришишлари мумкин.

Жорий йилнинг 9 январь кунин Президентимизнинг "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизими тубдан тақомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони билан жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш "шахс — оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият" принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Санжар МАВЛОНОВ,
Қашқадарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

ворлиги ва қонунийликни таъминлаш сингари олий мақсадларга эришиш жараёни секинлашади.

Ўқоридаги стандартларни таҳлил қиладиган бўлсак, унда 1-4-синфларда ўқувчилар давлат тушунчасини, давлатнинг рамзий белгиларини, Ватан туйғусини англаши, ҳуқуқ ва ҳуқуқбузарлик ҳақида тасаввурга эга бўлиши, оилада фарзданинг бурчини билиши шартлиги белгилаб қўйилган.

5-9-синфлар ўқувчилари эса давлат ва ҳуқуқ асосларига оид 18 турдаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шартлиги мустаҳкамланган. Улар ҳуқуқий таълим, давлат тузилиши, бошқарув шакллари, бошқарув усуллари, давлат органлари, ахлоқ ва ҳуқуқ, ҳуқуқ меъёрилари, ҳуқуқ тизимлари, унинг соҳалари, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни муҳофазат қилиш, ҳуқуқлардан фойдаланиш, ҳуқуқий давлат, уни шакллантириш йўллари ва муаммолари, инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш асослари, ўзбек миллий давлатчилиги, Ўзбекистон Конституцияси, инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари тизимлари ва улардан фойдаланиш кафолатлари, Конституция ва қонунларга риоя қилиш, уларни ҳурмат қилиш, миллий давлат ва унинг маъмурий-ҳудудий тузилиши, давлат ҳо-

/// **Умумтаълим мактабларида ўтиладиган маззулар доирасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари етарли даражада қамраб олинмаган.**

ҳуқуқ асослари" фани ўтилади, у ҳам 34 соат) давлат ва ҳуқуқ асослари тўғрисида мухтасар билим эгаллашни сезиларли даражада мураккаблаштиради. Натижада ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, ёшларни ҳуқуқий маданиятга, қонунга итоаткор қилиб тарбиялаш, жамиятда қонун усту-

дий яхлитлигини муҳофазат қилиш, ихтисодий, сиёсий, маънавий, маърифий соҳаларга оид қонунлар, таълим соҳаси ва ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, ёшларнинг маънавий, маърифий, жисмоний камолотининг ҳуқуқий асослари билан боғлиқ.

Шу билан бир қаторда, давлат ва ҳуқуқ асосларига оид билим, кўникма ва малакалар юзасидан қуйидаги фикрларни билдириб ўтиш лозим. Ҳуқуқий таълимда ҳуқуқбузарлик ва унинг оқибатлари учун ёшига қараб боланинг ўзи ёки унинг васий ҳамда ҳомийси жавобгар бўлиши масалаларини алоҳида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга, болаларни қонунга итоаткор этиб тарбиялашга хизмат қилади.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий таълимни самарали ташкил этишда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги "Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қарор билан давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг айрим фанлар чуқур ўрганиладиган уч тури белгилаган: айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар, шунингдек, футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар. Бизнингча, келгусида давлат ва ҳуқуқ асосларига, ҳуқуққа ихтисослашган синфлар тузиш амалиётини ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, умумтаълим мактабларининг 2-9-синф ўқувчилари учун ўтиладиган тарбиявий соатлар мавзуларини таҳлил қиладиган бўлсак, уларда асосий эътибор йўл харакати қоидаларига қаратилган. Гарчанд, тарбиявий соатлардан кўзланган мақсадлардан бири ўқувчиларни тартибсизлик, тамаки чекиш, спиртли ичимликлар истеъмоли қилишнинг зарари ҳақида оғохлантириш бўлса-да, ўтиладиган мавзулар доирасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари етарли даражада қамраб олинмаган. Умумий ўрта таълимнинг барча синфларида Конституцияга бағишланган дарслар борлиги эътиборанга лойиқ. Аммо аксарият мавзулар йўл харакати қоидалари билан боғлиқ бўлиб қолган. Шу боис, фикримизча, умумтаълим мактабларида ўтиладиган тарбиявий соатларда айнан қонунга итоаткорликнинг мазмун-моҳиятини, жамият ва давлат тарққиёти учун аҳамиятини кўрсатиб берадиган мавзуларни кўпайтириш зарур.

Мухтасар айтганда, юқорида таъкид қилинатган янгиларни жорий этиш, шу жумладан, "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фанини ўқитишни эртароқ, масалан, 5-синфдан бошлаш ва дарс соатларини юқори синфларга ўтган сари ошириб бориш вояга етмаганларни юксак ҳуқуқий маданиятли этиб тарбиялашга, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ИККИ ДИЛБАНДИНИНГ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛГАН ОНА

Ўтган ҳафтада интернет сайтларида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида содир этилган аянчли воқеа хусусида қисқача тафсилотлар берилган ва у омма орасида шов-шувга сабаб бўлган эди. Тахририятимиз томонидан мана шу воқеа батафсил ўрганилиб, эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

тун кўйида "эр-хотин" бўлган бу кимсалар муносабатларининг миси чиқди. Ўша кунни қайнонаси катта қизини олиб тўйга кетганди. Кечаси ҳовлида юрган қайнота ўғлининг ётоғига дераза олиб кираётган Нуралини сезиб қолди. Бу ҳолат унинг бу ҳовлидан қадами узилишига сабаб бўлса-да, телефондаги алоқага чек қўёлмади.

Насибанинг ичига ғулгула тушди. Ҳадемай, хуфиёна муносабатларини оиланинг бошқа аъзолари ҳам билиб қолишдан хавотирда эди. Хаёлан минг хил режа тузиб кўрди. Шундай тубсиз ўйлар қуршоғида юрган пайти Нурали билан "Telegram" да ёзишди. "Телефонингиздаги ёқмаган расмларни ўчириб ташлашим", — деди Нурали. (Насиба иккита телефон тутар, биттаси Нурали учун эди.)

У Насибанинг катта қизи Бахтигулнинг расмларини ўчириб ташлаганди. "Шу қизинг катта бўлса, у билан юрمان ёки бошқаларга улашман", деб ёзди. Хабарни ўқиган аёлнинг тепа сочи тикка бўлди, ғазаби қайнади. "Агар шундай қилсанг икковингни ҳам сўйиб ташлайман", деди. Ушбу "смс" сабаб улар жанжаллашиб қолади.

/// Аёлниг ётоқда ёлғизлиги
/// йигитга айна муддао бўлди.

Насибанинг сабри етмади. Орадан кўп ўтмай кечирим сўраб Нуралига "смс" хабар йўллади. Нурали унга жавобан "Сени кечираман, лекин катта қизинг борасидаги гапимдан қайтмайман", деди. Насибанинг оёқ-қўли ғазабдан титради. "Сенга эрмак учун берди қўйгандан кўра, ўз қўлим билан ўлдириб қўйганим афзал, бир уни эмас сени қизингни ҳам, ўзимни ҳам ўлдираман", деди. Унга жавобан "Ишдан чиқиб бораман, ўзим ўлдираман", деди Нурали.

Насиба ошхонадан рўзғорда ишлатадиган пичоқни ётоқхонасига қиритиб қўйди. Қайнота-қайнонаси ухлагач, улар ёнида ширингина пишиллаб ухлаётган Бахтигулни ўз ётоғига келтириб ётқизди.

Бу сатрларни ёзар эканман, бир гап ёндан ўтди. Айтишларича, она фарзандини дунёга келтираётган маҳал икки дунё ўртасида турар экан. Бу гап фарзандни дунёга келтирар пайтда чеккан дард нақадар азобли эканига ишора бўлса, неажаб. Шу боис аёлниг бир ажали бола билан дейишди. Насибанинг қабоҳатга қўл уришига нима сабаб?

Аббос АБДУРАИМОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси
бўлим прокурори
Азимжон ҚОДИРОВ,
«Нузур»

Рашкми? Кўркүмми? Нима бўлганда ҳам ўз жигарпорасини, бир эмас, икки норасидани нобуд қилиш... Ҳайвон ҳам бу ишни қилмайдику!!! Эсиз она деган ном, садқайи аёл.

Қайнона ёнидаги невараси йўқлигини билиб қолди. Келиб қолар деб бироз кутди. Аммо келавермагач, турмуш ўртоғини уйғотди. Онаси билан ётгандир, деб Насибанинг эшигини тақиллатди. Ичкаридан садо чиқмади. Эшик ойнасини бузиб, ичкарига киришди. Улар бу ердаги манзарани кўриб донг қотди. Икки норасида ва уларнинг онаси қонга беланиб ётарди.

Ўша тун Нурали дераза оша кирганда, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийлик рўй берган эди.

Нурали ўзининг турли гаплари билан ушбу мудқиш фожиага сабабчи бўлди. Буни англаган Н.Илашов содир этган қилмиши ошкор бўлмастгиси учун Насибанинг қўл телефонини олиб, воқеа жойидан қочиб кетади. Ўзи ва аёлниг телефонидоги кўнги-роқлар, "Telegram" ижтимоий тармоғи орқали ёзишган хабарларини ўчириб, изларни йўқотди.

Суд-тиббий экспертиза хулосасига кўра, ҳали етти ёшга тўлмаган Бахтигулга 12 мартаба, бир ёшга ҳам тўлмаган Махлиёга эса 5 мартаба пичоқ урилган экан. Етказилган тан жароҳатлари норасидаларнинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлган. Онаси эса...

Аниқланишича, Насиба аввал қизларига, кейин эса ўзига пичоқ урган. Бирок унинг жони омон қолди. Икки дилбандининг умрини хазон қилгани қолди.

Суд ҳукми билан Насиба 13 йил, Нурали 17 йил муддатга озолиқдан маҳрум қилинди.

Улар энди номига туширган бу тавқи лаънатни умрбод елкалаб юришга мажбур. Оғир гуноҳга ботган бу кимсаларни инсон дейишга тил бормайди, вақт ўтиб, улар озолиққа чиқар, аммо...

Миллионларни ўзлаштирган банк бошқарувчиси

**Ривожиддин
МИРАБДУЛЛАЕВ,**
Мингбулоқ туман
прокурорининг ёрдмчиси

Азизбек Турғунов акциядорлик тижорат "Агробанк"нинг Мингбулоқ филиали бошқарувчиси вазифасида ишларди. Демак, шунга яраша масъулиятни ҳис қилиб, вазифасига виждонан ёндашганида эди, ҳаммаси ўзгача, яъни ҳурмат-эътиборга сазовор бўларди. Аммо банк бошқарувчисини амал курсисини ўзгартирди-қўйди. Яъни билдирилган ишонччи тараллабедод қилиш учун берилган имкон тарзида қабул қилиб, талон-торожликка берилиб кетди.

"Мингбулоқ агро ҳосил" МЧЖга қариндоши фуқаро Б.Ориповни раҳбар этиб тайинлаб, "Бахриддин Рустамов" МЧЖнинг ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда, ушбу жамиятларга бир вақтнинг ўзида норасмий раҳбарлик қила бошлади. У эгри йўллар билан ўз мавқеидан фойдаланган ҳолда "Агробанк"нинг Мингбулоқ филиалидан 2017 йилда кредит шартномасига асосан "Бахриддин Рустамов" МЧЖга 149 миллион сўм кредит маблағини йўналтиришга эришади. Яъни икки МЧЖ ўртасида сохта шартнома тузиб, ҳақиқатдан мавжуд бўлмаган ва олинмаган иссиқхона жиҳозлари ҳамда парранда қафаслари учун ҳисобварақ фактура тўлдирди. Шу тарзда 149 миллион сўмини "Мингбулоқ агро ҳосил" МЧЖнинг ҳисоб рақамига тушириб беради. Шундан сўнг у мазкур имтиёзли кредит маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилади.

Азизбек Турғунов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қатор моддалари ва бандлари билан айбли, деб топилди ва унга тегишли жазо тайинланди.






FAOLIYATIDAN

600 "кўки"га битмаган иш

Дилрабо КУРЯЗОВА,
Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси катта инспектори



Касбга садоқат — бебаҳо инсоний фазилат ва жамиятнинг моддий таянчи саналади. Касб ифтихори туйғуси қанчалик пок ва бегараз бўлса, у инсонни шунчалик юксаликка кўтарди.

Лекин минг афсуски, ораимизда касбларнинг фидойилари билан бир қаторда, садоқатдан йироқ, касб ифтихори ва инсонпарварлик шаънига доғ тушираётганлар ҳам учраб турибди. Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси, Гурлан туман бўлими ҳамда туман прокуратураси ходимлари томонидан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда ўз мансаб ваколатларини суистеъмол қилган шахсларнинг фирибгарлик, порахўрлик каби ҳаракатлари фош этилди.

Гурлан туманида истиқомат қилувчи фуқаро ҳуқуқ-тартибот идорасига ҳоким ёрдамчиси Шокир Машарипов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) туман мактабгача таълим бўлими тизимдаги муассасаларнинг бирига ишга киритиб бериши эвазига 600 АҚШ доллари сўраётганини маълум қилиб, муурожаат қилди.

Муурожаат юзасидан ўтказилган тезкор тадбирда ҳоким ёрдамчиси ишга кириш эвазига талаб қилган 600 АҚШ долларини олаётган вақтда ашёвий далиллар билан қўлга тушди. Тадбир давомида у пуншаймонлик аризаси билан муурожаат қилиб, фуқародан олган 600 АҚШ долларидан 300 АҚШ долларини туман МТМ бўлимининг кадрлар бўйича мутахассиси Омон Собировга беришини билдирди. Ариза асосида давом эттирилган тадбирда мактабгача таълим муассасаси мутахассиси ҳоким ёрдамчисидан 300 АҚШ долларини олаётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланди.

Порахўрликни ўзига касб қилмоқчи бўлган ушбу мансабдор шахслар қонунга панд бера олмадилар. Давлат ташкилоти вакилларининг бундай қилмишлари бошқалар учун яхшигина сабоқ вазифасини ўтайди. Мазкур ҳолат бўйича айбдор шахсларга нисбатан тегишли ҳуқуқий чоралар қўрилди.

Валютафурушликнинг янги усули

Афсуски, давр талабини, қонунлар моҳиятини англамайдиган айримлар мўмай даромад топиш илинжида хорих валютасини қонунга хилоф тарзда сотиш билан шуғулланишни касб қилиб олишмоқда. Аммо "шу каби жиноятни банк ходими содир этибди", деган гапни эшитган ўқувчида энди қандай фикр тугилади?

Бугунги кунда жисмоний ва юридик шахслар тижорат банкларида чегараланмаган микдорда валюта айирбошлаши мумкин. Шундай ниятда "Ўзсанотурилишбанк"нинг Қоровулбозор филиали бир бош ҳисобчиси Азизбек Рўзиевга муурожаат қилган фуқаро Умар Тошпўлатов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бир неча кун илгари у билан танишганда, "Бу масалада бемалол муурожаат қилишингиз мумкин", дейилган ваъдага таянди.

— Ака, менга зудлик билан 8 минг доллар керак бўляптида!

— Гап бўлиши мумкин эмас. Аммо ҳозир банкда бундай имконият йўқ-да! 3-4 кун кутишингизга тўғри келади. Сизга аввало пластик карта очишимиз керак. Бунинг учун банк тарифи бўйича карта ҳақини тўлайсиз. Пластик карта Тошкентдан келади. Уни кутиш керак. Кейин банк терминали орқали доллар оласиз.

— Мен бунча кута олмайман. Ёрдам қилинг, ака. Ҳеч иложим йўқми?

— Ҳмм... Энди шунча илтимосингиздан кейин ёрдам қилмасам яхши эмас. Банкдан валюта конвертациясига рухсат

Зокир ТЕМИРОВ,
Департаментнинг Ромитан туман бўлими бошлиғи

берилгунга қадар 8 минг АҚШ доллари қарз бериб туришим мумкин.

— Раҳмат, акажон. Қанча пул топшираман?

— 64 миллион 200 минг сўм.

Банк бош ҳисобчиси Азизбек Рўзиевнинг озаки топшириғига биноан, кассадаги кассир қизлар 64 миллион 200 минг сўмни санаб олишиди-ю, аммо пул топширган фуқаро У.Тошпўлатовга ҳеч қанақа кирим ҳужжати беришмади.

— Ана, ишингиз битди, — деди бош ҳисобчи А.Рўзиев ноқонуний сотаётган долларидан қоладиган фойдани чамалаб туриб. Кейин "фалон манзил, фалон кишидан бориб, "омон-натингизни оласиз", деб тушунтирган бўлди.

Хуллас, ноқонуний валюта савдоси билан шуғулланишнинг ўзгача усулини кашф этган А.Рўзиев таниши Шухрат Темиров орқали 8 000 АҚШ долларини 64 миллион 200 минг сўмга сотган вақтда ашёвий далил билан жиноят устида қўлга олинди.

Банк ходими бўла туриб, ноқонуний ишга қўл урган А.Рўзиев суд ҳукми билан тегишли жазога тортилди.




Инсон оёғидан чалаётган иллат

Халқимиз "халолдан берсин", деб дуо қилади. Аммо, бугун ҳалол ва ҳаромнинг ораси шу қадар яқин бўлдики, дейрли ҳар қадамда бу иллат кимнингдир оёғидан чалади.

Ўткир ЖАББОРОВ,
Департаментнинг Денов туман бўлими бошлиғи

Денов туманидаги умумтаълим мактабларидан бирида ҳисобчи бўлиб ишлаган Мамажон Мингноров (исм-фамилияси ўзгартирилган) нафсининг жиловини бўш кўйиб юборди-ю, оқибатда давлат маблағларини ўз манфаати йўлида талон-торож қилди. Мансаб ваколатидан гаразғўйлик билан фойдаланиб, расмий ҳужжатларни сохталаштирди.



Маълум бўлишича, у 9 нафар қариндошининг номига сохта иш ҳақи ведомостлари тузиб, муассаса раҳбарининг имзосини ҳам сохталаштириб, электрон дастур орқали банкка юборган экан. Иш ҳақининг маълум қисми нақдсиз кўринишда берилгани боис, қариндошлари номига пластик карточка очишининг ҳам уддасидан чиққан ҳисобчи уларга ҳар ойда пул туширса-да, маблағини ўзи сарфлаб юраверган экан. М.Мингноров шу йўл билан 2017 йилнинг май ойидан декабригача бюджетнинг 105 миллион 332 минг сўм маблағини талон-торож қилади.

Қинғир ишнинг қийғи албатта чиқиши муқаррар. Суд томонидан М.Мингноров етказган зарарни тўлиқ қоплаганлиги инобатга олиниб, унга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.



Фойдаси ёқади-ю, солиғи чақадими?

Собиржон Алиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) электр тармоқлари корхонаси назоратчиси бўлиб ишлаган. Уша пайтда унинг вазифаси масъулиятли — пул билан боғлиқ эди.

Ойбек МУХТАРОВ,
Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси катта инспектори

Юртимизда хусусий тадбиркорликни, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаяпти, соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаёпти, самарали фаолият юритишлари учун уларга катта имкониятлар ва имтиёзлар яратиб берилаяпти. Аммо "Ҳар тўқисда бир айб" деганларидек, тадбиркорлар орасида бундай ғамхўрликларнинг қадрига етмайдиганлари, мўмай даромад орттириш илинжида ўзларига билдирилган ишонччи суистеъмол қиладиганлари ҳам истаганча топилади. Масалан, юртимизда тадбиркорларга яратилган шароитлардан фойдаланиб, 2016 йилда масъулият чекланган жамият таъсис этиб, фаолият бошлаган Ботир Кимсановни (исм-фамилияси ўзгартирилган) олайлик. У 2016 йилдан ҳозирга қадар хорихдан турли махсулотлар импорт қилиш билан шуғулланади. Албатта, бу ишнинг ёмон томони йўқ, аксинча, халқимизни керакли махсулотлар билан таъминлаш таяин. Фақат битта шарт борки, ҳар қандай тадбиркорлик амалдаги қонун-қоидалар асосида тўғри йўлга қўйилиши лозим.

Б.Кимсанов эса масаланинг ана шу муҳим жиҳатини унутди. Аниқроғи, ўзи келтирган махсулотларни нақд пулга сотишга сотди-ю, тушум маблағларини банк муассасасига топшириши ва даромади ҳисобидан солиқ тўлаши зарурлиги ҳақида ўйламади.

Хуллас, Б.Кимсанов фаолияти давомида импорт қилинган 25 миллиард 840 миллион 579 минг сўмлик товар-моддий бойликларни нақд пулга сотишдан тушган нақд пул маблағларини назорат-касса машинасидан ўтказмади, ўз вақтида банк муассасаларига инкасса ҳам қилмади. У ўзининг ушбу ҳаракати билан давлатга тўланиши лозим бўлган 1 миллиард 292 миллион сўм солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлади. Шунингдек, ДСИга тақдим қилинган ҳисоб-ботларга сохта маълумотлар киритиб, жамиятнинг улгуржи фаолиятидан олинган даромаднинг 304 миллион 315 минг сўмга камайтириб кўрсатган. Натижада давлатга тўланиши керак бўлган 15 миллион 215 минг сўм солиқларни тўламаган.

Б.Кимсанов жиноятини яширишни мақсад қилиб, жамиятнинг солиқ солинишига асос бўладиган молиявий фаолиятига доир бошланғич ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоботлари ҳамда товар-моддий бойликлар билан боғлиқ ҳисоб-ботларни юритишга оид муҳим аҳамиятга эга ҳужжатларни қасддан йўқ қилган.

Охир-оқибат тадбиркор қинғир ишлари учун қонун олдига жавоб бериб, давлат назарига етказилган зарарларини қоплашга мажбур бўлди. Жиноят ишлари бўйича Миров туман судининг ҳукми билан Б.Кимсановга жарима жазоси тайинланди.

Бугунги кунда фуқароларнинг соғлигини сақлаш, аҳолини сифатли махсулотлар билан таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу борада мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган бўлиб, тадбиркорликнинг ушбу йўналиши ҳам қонунлар билан ҳимояланган.

Ҳаромдан ҳазар қилмади

Шундай бўлса-да, ҳануз ораимизда мавжуд талон-торож қилиш, қонунга хилоф равишда фаолият олиб боришга уринаётганлар учраб турибди.

Департаментнинг Қарши шаҳар бўлими, шаҳар ветеринария бўлими ва ДСЭНМ ходимлари томонидан фуқаро Д.Эсоновнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) аризасига асосан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Ж.Хасанов инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган, истеъмолга яроқсиз хайвон гўшларини Қарши шаҳридаги ошхоналарга сотиш билан шуғулланиб

Тўлқин ҚУРБОНОВ,
Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси катта инспектори

келганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, бу шахс ит ва эшак гўштини 490 минг сўмга сотган экан. Ундан жами 39,8 килограмм гўшт махсулоти ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Мазкур ҳолат юзасидан айбдорга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, суднинг ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

БОЗОРДАГИ

ЎЗИБЎЛАРЧИЛИКЛАР

назоратчилар назаридан четда(ми)?!

Сиз кўриб турган ушбу суратлар Наманган шаҳри марказидаги "Сардоба" бозори ҳудудида суратга олинган.

Фуқаролар томонидан шундоқгина йўл ёқасида сотилаётган ("Мегаполис" рўпараси — "Мезон" дўкони ўнг томони ва ёнида), уй шароитида тайёрланган (қачон тайёрланганини ҳеч ким билмайди) калла гўшти, хасип, қабоб ва сут маҳсулотларига машиналар ҳаракатида ҳавога кўтарилаётган чанг-ғуборлар кўнаётгани билан бировнинг иши йўқ. Лаборатория текширувидан ўтказилганига ҳам қафолат йўқ.

Дўкон ортида каттагина қурилиш ишлари кетаётгани, қунда у ерга неча тоналлаб тупроқ, цемент, ғишт ва бошқа қурилиш материаллари тўкилаётгани, атрофни чанг-тўфон қоплаётгани

эйтиборга олинса, вазиятга янада ҳолис баҳо берса бўлади. Агар ёгин-сочиндан кейинги кўёшли кунларда шу ҳудудда ярим соат туриб қолсангиз, эгингизга қўнган чанг муаммонинг долзарблигидан далолат, аслида. Ахир бу маҳсулотларни халқ сотиб оляпти, истеъмол қилляпти!

Бозор ичидаги аҳвол ҳам бундан қолишмайди. Товуқ, мол ва қўй гўшти, сут маҳсулотлари, айникса, истеъмолга яроқлилиги текширилмаган, "қўлбола" тузлама ҳамда салатларнинг усти ҳам кун бўйи очиқ. Бундан сотувчи, бозор мутасаддилари, ҳатто харидорлар ҳам ташвишланаётгани йўқ. Худудни назорат қилаётганлар, шунингдек, ДСЭНМ ходимларининг яқин орада бозорга йўллари тушмаган кўринадди. Йўқса, орасидан бирорта ваддонлиси чиқиб: "Барака топгур, яқингинада овқатдан захар-

Нилуфар НИЁЗОВА,
"Нуққ"

ланган ҳамюртлар мисолида йўқотишни, хавфни кўрдик. Бу маҳсулотлар билан одамлар захарланмасин яна", деган бўлармиди...

Озиқ-овқат маҳсулотлари расталарда эмас, шундоқ ерларга териб қўйиб сотилаётганига нима дейсиз?! Наҳот булар ҳам ҳеч кимни ташвишлантормаса?! Вақти келса, ҳайвонга берадиган озукани ҳам ерга қўйгимиз келмайди. Аммо инсон истеъмолга мўлжалланган озиқ-овқатларга бундай муносабат кишини ташвишга солмай қўймайди.

Бозор ортидаги чиқинди тўкилаётган майдонча ҳам аллақачон кўчанинг ярмини "забт этиб" улгурган — пидедаларнинг оёғига, машиналарнинг баллонига илашиб, ғашга тегади. Иссиқроқ кунлари чиқиндилардан "таралаётган" бадбўй ҳид кишига шу қадар "хуш ёқади"ки... Беихтиёр афтингизни бужмайтириб, бу ердан қочиб қоласиз.

Хуллас, бозор жиддийгина назоратга, тозаловга муҳтож. "Сардоба"нинг икки томонидаги ("Навоий" ва "Ҳамза" йўналишлари бошланиши) машиналар тирбандлиги, ноқонуний "питак"лар, пидедаларнинг ҳаракатлиниши эса яна бир алоҳида мавзу. Аммо айни пайтда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги борасида кураш кетаётган бир паллада ҳудуддаги ўзибўларчиликлар ҳақида мутасаддилар жиддийроқ бош қотирмасалар бўлмайди. Акс ҳолда, яна ижтимоий тармоқларда "Наманганда захарланиш!", дея айюҳаннос солишлари эҳтимоли юқори.



Маҳсулотни зарарли "тадбиркор"

Ички бозоримизни сифатсиз товарлардан ҳимоя қилиш, давлатимиз бюджетига яширин иқтисодий оғирликни етказилади-ган зарарли хатти-ҳаракатларни бартараф этиш борасида Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Зангиота туман бўлими ходимлари томонидан режали ишлар амалга оширилмоқда.

Феруз ҲАСАНОВ,
Департаментнинг Зангиота туман бўлими катта инспектори

Яширин цех кўздан кечирилиб, 4 минг 800 килограмм "Cargill" жўхори қукуни (крахмали), 32 миллион сўмлик 2 минг 140 килограмм тайёр "фунчоza" маҳсулотни ҳамда ишлаб чиқаришда фойдаланилган ускуна ва буюмлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ҳуқуқбузардан ашёвий далил тариқасида олинган маҳсулотлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг лаборатория текширувидан ўтказилиб, мазкур маҳсулотлар юқумли ўткир ошқозон-ичак касалликлари ва овқатдан захарланиш ҳолатларини келтириб чиқариши мумкинлиги учун инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли, деб топилди.

Кўпчиликнинг ҳаётини хавф остига қўйиб, даромад топиш илминжидаги қонунбузарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. Энди ноқонуний қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

Департаментнинг туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, тадбиркорликни ўзага никоб қилиб, қўлбола усулда озиқ-овқат маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланган ҳуқуқбузарнинг қонунга зид бўлган фаолиятига чек қўйилди. Тадбир жараёнида маълум бўлишича, Эшонгузар кўргониди яшовчи фуқаро Ориф Илҳомов ҳеч қандай ҳужжатларсиз яширин цех ташкил этиб, қўлбола "фунчоza" озиқ-овқат маҳсулотни ишлаб чиқариб, сотиш билан шуғулланиб келган экан.

BILASIZMI?

Овқатдан захарланиш қандай содир бўлади?

Овқатдан захарланиш — санитария-гигиена меъёрларига мос равишда тайёрланмаган, сақланмаган ва истеъмол қилинган ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулотлари натижасида пайдо бўладиган касалликдир. Бундай касалликнинг пайдо бўлишига озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, пишириш, сақлаш ва ташвиш жараёнларида микроорганизмлар (бактерия, вирус ва риккетсиялар), содда жониворлар, гелментлар, микроскопик замбуруғлар ва уларнинг токсинлари, шунингдек, зарарли ва захарли бошқа турдаги қўшилмаларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига тушиб қолиши ва уларнинг истеъмол қилиниши сабаб бўлади.

Захарланишнинг белгилари одатда кутилмаганда, тўсатдан пайдо бўлиб, тана ҳарорати 38-40 градусгача кўтарилди ва кўнгил айниши, бош оғриги, қушиш, қоринда оғриқ, кейинчалик ич кетиши билан кузатилади.

Ботулизм касаллиги ҳақида сўз борар экан, ботулизм лотинча "Botulus", яъни колбаса маъносини билдириб,

1896 йилда Голландияда колбасадан оммавий оғир захарланиш ҳолати пайдо бўлган вақтда Э.Эрменгем деган олим ботулизм қўзғатувчиси (Cl.Botulinum)ни аниқлаганлиги сабабли шу ном билан аталади.

Касаллик айрим ҳолларда ўлим билан тугайдиган, оғир турдаги овқатдан захарланиш бўлиб, санитария-гигиена шароитлари ва талабларига мос келмайдиган уй шароитида тайёрланган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларидан иборат консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида юзага келади.

Захарланиш белгилари шунингдек, ҳолсизланиш, кўнгил айниши, оғиз қуриши ва қайт қилиш, кўришнинг хиралашуви, буюмлар иккита бўлиб кўриниши, кўз қовоқларининг осилиши, овознинг бўғилиши билан намоеён бўлади.

Ҳар қандай касаллик белгиси намоеён бўлганда, ўзингизча даволашга уринмасдан, шифокорга мурожаат қилиш зарур. Касалликнинг оғир асоратлари ҳатто ўлимга ҳам олиб келиши мумкинлигини унутманг!

Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Тошкент вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси Қадим Иноятовга синглиси **Акнелия ИНОЯТОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Бюронинг Тошкент вилоят бошқармаси жамоалари Бюронинг Куйичирчиқ туман бўлими давлат ижрочиси

Мадийр ҚОБУЛОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳамда Бюронинг Наманган вилоят бошқармаси жамоалари Бюронинг Наманган шаҳар бўлими бошлиғи Рустам Уматалиевга падари бузрукворни

Умархон УМАТЛИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.